

РИШТОН ТУМАНИ “ҚАЙРАҒОЧ” МФЙДА ЯНГИ ОИЛАВИЙ ШИФОКОРЛИК ПУНКТИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Риштон тумани марказидан 12 километр олис масофада жойлашган "Қайрағоч" оиласы шифокорлик пункти "Қайрағоч" ва "Соҳибкор" маҳалласида яшовчи 5000 нафардан ортиқ ахолига тиббий хизмат кўрсатади.

Туман ҳокимлиги масъуллари, тиббиёт ходимлари, кенг жамоатчилик ва ОАВ вакиллари иштирокида мазкур тиббиёт муассасаси очилишига бағишиланган тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда кейинги йилларда ахоли соғлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасалари учун мослаштирилган янги бинолар қуриш, уларни илғор ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, ахолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва савияси тобора юксалиб бораётганлигини таъкидладилар.

Замонавий қиёфага ва барча қурайликларга эга шифокорлик пункти янги биносини қурилиш ишларига 1 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу ерда нафақат келиб-кетувчилар, балки фаолият олиб борадиган 25 нафар тиббиёт ходимларининг самарали иш юритишлари учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилган.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида Риштон туманида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Авазбек Усмонов.

- 14 та хонадан иборат тиббиёт масканида ахоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган барча имкониятлар етарли. Аёллар, болалар ва кексалар учун алоҳида хоналар, шунингдек, ижтимоий аптека, гиникология, физиотерапия, эмлаш, стерилизация, муолажа хонаси, лаборатория, 2 та кундузги стационар хоналари ҳам мавжуд. Бу ерда турли хасталикларни эрта аниқлаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш баробарида қатор қурайлик яратилди, – дейди ОШП мудири Мухайёхон Мирзакаримова.

Янги иш бошлаган оиласы шифокорлик пункти зарур тиббий асбоб-анжомлар, жиҳозлар билан таъминланган. Қолаверса, шифокорларнинг самарали фаолият юритиши, шунингдек, ташриф буюрувчилар учун барча шароитлар яратилган.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-12-17 16:43:13